

Маккада 4 та меҳмонхона юртдошларимизга хизмат қилмоқда



13:53 / 10.06.2023 2340

Мамлакатимиз зиёратчилари Маккаи мукаррамага етиб келгач, замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган «Рошидия», «Аброж Дана», «Лаба Дарна» ва «Руба ал-Ҳижаз» меҳмонхоналарида истиқомат қилмоқдалар.

Аввал мазкур турар жой мажмуаларидан бири бўлган 9 мингдан зиёд зиёратчини ўз бағрига сиғдира оладиган «Рошидия» меҳмонхонаси ҳақида маълумот берган эдик. Энди қолган 3 та меҳмонхона ва уларда ҳожиларимизга яратилган шароитлар ҳақидаги маълумот тақдим этамиз:

- Макка шаҳридаги Қурайш минтақасида жойлашган «Аброж ал-Дана» меҳмонхонаси Ҳарам масжидидан 4,8 километр узоқликда жойлашган. Меҳмонхона янги қуриб битказилган 5 та ёнма-ён бинодан иборат.

Уларнинг ҳар бирида бир нечта лифт, 320 ўринли ошхона ва масжид бор. Бир вақтнинг ўзида 3 кишилик жойлашув асосида 4 200 нафар ҳожини ўз бағрига олади;

- Муборак шаҳарнинг Жанубий Азия минтақасида жойлашган 20 қаватли «Лаба Дарна» меҳмонхонаси Масжидул Ҳарамдан 5,3 километр узоқликда жойлашган. Унда тўрт кишилик 310 та хона, 700 ўринли иккита ошхона, бир нечта лифт ва масжид бўлиб, бир вақтнинг ўзида 1 250 дан зиёд зиёратчига хизмат кўрсатади;

- Яна бир замонавий меҳмонхона «Руба ал-Ҳижаз» Каъбаи муаззамадан 5 километр узоқликда жойлашган. Меҳмонхонанинг тўрт кишилик 208 та хонаси бўлиб, жами 832 нафар ҳожини сиғдириш имкониятига эга. Шунингдек, унда 400 ўринли ошхона ва 300 ўринли масжид бор.

Юқоридаги меҳмонхоналарда ишчи гуруҳи, меҳмонхона хизматчилари ва шифокорлар 24 соат давомида фаолият юритади. Шунингдек, меҳмонхоналарда Байтуллоҳга олиб бориб келадиган замонавий автобуслар кечаю кундуз ҳожиларимиз хизматида бўлади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати





